

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 232 (10.035)

2003 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ

## Ислом КАРИМОВ: ҲАР БИР ИНСОН БУНЁДКОР БЎЛМОҒИ КЕРАК

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон улкан қурилишлар мамлакатига айланди. Иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётимизда кечаётган ҳар бир янгиланиш бунёдкорлик ишларига бевосита боғлиқ. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ улуг боболаримиз маданий меросини қайта тиклашга, уларнинг муқаддас қадамжоларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратган Юртбошимиз ташаббус билан Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк алломаларимиз мангу кўним топган масканлар янги-ча қиёфа касб этди.



Тиббиёт соҳасида амалга оширилган туб ислохотлар сабаб мамлакатимизнинг аксарият қишлоқларида замонавий врачлик пунктлари барпо этилди. Жаҳон тиббиётидаги мутлақо янги тизим сифатида шаклланган тез тиббий ёрдам марказлари хизматидан халқимиз миннатдор. Бугун минглаб йигит-қизлар таълим-тарбия олаётган академик лицей ва касб-хунар коллежлари эса таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ вуждга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда яна бир улкан бунёдкорлик ҳаракатини бошлаб берди. Бугун шаҳар ва қишлоқларимизда спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари, кураш заллари бунёд этилмоқда.

Аслида ҳар бир инсон бунёдкор бўлмоғи керак, дея лутф қилди Юртбошимиз Абдуллоҳиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан алломанинг макбара-мажмуида амалга оширилган ишлар билан танишар экан. Оллоҳ инсонни бунёдкор этиб яратган.

Унинг дунёга келиши - бир бунёдкорликдир. Ота-она, мураббийлар, миллатнинг етук алломалари инсон онгининг мейморлари саналади. Тиббиёт ходимлари саломатлигимиз посбонларидир. Биз хайрли ишларимиз билан яхши ном бунёд этамиз. Демак, бунёдкорлик инсоннинг эзгу амалидир.

27 ноябрь куни мамлакатимиз раҳбари Гиждувоний хиёбонида, шундоқкина макбара қаршида қад ростлаган беш юз ўринли спорт саройининг очилишида иштирок этди. Мухташам спорт саройига кириб борган Президентимизни спорт билан шуғулланаётган болалар кутиб олди. Курашчи болакайлар, гимнастикачи қизалоқлар Юртбошимиз бағрига талпинди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Бу улкан иншоотда яратилган шароит билан қизиқди. Унинг қишда қандай иситилиши, ёзининг жазирамасида қай йўсинда совитилиши ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади.

...Бу мухташам спорт саройи қурилиши бошланганига кўп бўлгани йўқ. Йирик иншоотлар қуришда катта тажриба

тўплаган «20-трест» ҳиссадорлик жамияти ҳамда «Бухорогазсанеоатқурилиш» бирлашмаси бунёдкорлари бинони мамлакатимиздаги энг гўзал спорт қосоналаридан бирига айлантириш мақсадида гайрат билан ишлади.

Мажмуанинг биринчи қаватида мусобақалар ўтказиш зали бор. Иккинчи қаватдаги хоналарда эса болалар бокс, кураш, стол тенниси, гимнастика, шахмат-шашка каби спорт турлари билан шуғулланади.

Гиждувон аҳолисининг ярмидан кўпрогини ёшлар, болалар ташкил этади. Шундай экан, шаҳарда бундай спорт саройлари янада кўпайиши лозим, деди Юртбошимиз. Чунки спорт инсонни нанки жисмонан, балки руҳан ҳам тетик, бардам қилади. Брошқача айтганда, инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятининг такомиллашувига ёрдам беради.

Ушбу спорт саройи фойдаланишга топширилган, уч минг нафардан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланиши имконига эга бўлди.

Воҳид ЛУКМОН,  
Илхом САҒАР,  
ЎЗА мухбирлари

**XVI саҳоси**  
Барча мавбалардан  
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Солиқ академиясида Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан «Конституция — адолат, Ватан, халқ манфаатининг кафолати» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- Термиз шаҳрида Президент Ислом Каримов асарларини умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига пухта ўргатиш, Ватанга муҳаббат ва юртга садоқат ҳиссини, миллий истиқлол гоғларини ёшлар онига сингдириш мақсадида «Президент асарлари билимдон» вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

- Бухорода ўтказилган халқаро семинар Марказий Осиё мамлакатлари ва Швейцария Қизил ярим ой ва Қизил хоч миллий жамиятларининг жорий йилдаги фаолияти сарҳисоби бағишланди.

- Бухорода Тошкент, Самарқанд ва Бухоро сайёҳлик фирмалари, меҳмонхона ва ресторанлар вакиллари иштирокида «Тижорат этикаси. Бошқарув самарадорлиги» мавзуида семинар ташкил этилди.

- Жалолқудук туманидаги Амир Темур номидаги ширкат ҳўжалиги 12 та маҳаллани ободонлаштириш ишларига қарий ярим миллион сўм маблағ сарфлади.

- Қарши шаҳрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остида анъанавий дўстлик ва маданият фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Жаҳонда

- Бугун Голландияда ОБСЕ ташкилотига аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирларининг йиғилиши бошланди. Грузиядаги вазият учрашувининг бош мавзусидир.

- «Time» журнали ҳар йилгидек бу гал ҳам «Иил одами» танловини эълон қилди. Асосий даъвогарлар ичида АҚШ Президенти Жорж Буш, БМТ Бош Котиби Кофи Аннан, Франция Президенти Жак Ширак, Исроил бош вазири Ариэл Шарон, Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат ва бошқалар бор. Танловда гоғиб чиққан шахснинг номи декабрь ойи охирларида маълум қилинади.

- Японияда ракета элтувчининг учирлиши муваффақиятсиз ақунланди. Парвоздан 13 дақиқа ўтганидан сўнг техник муаммолар юзага келганини сабабли ракета элтувчининг йўқ қилишга мажбур бўлишди.

- Германиянинг Технология институти тадқиқотчилари қислота ўрнига махсус паста қўлланилган аккумуляторнинг янги турини яратишди. У шундай энгил ва илҳамки, ҳатто банкоматларнинг пластик карточкасига ҳам жойлаштириш мумкин. Унинг афзаллиги эса атрофмуҳит ва инсонга безарарлигидир.

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Дир кўни*  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**  
*қисқара*

- **РЕСПУБЛИКА** таълим марказида «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари» мавзуида ташкил этилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллигига бағиш-

ланди.

- **ЖАҲОН** соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан уюштирилган матбуот анжуманида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни матбуотда кенг ёритиш масаласи муҳокама этилди.

- **ДЕДЕМАН СИЛК РОАДИ** меҳмонхонасида

республика ортопедлари ва травматологларининг олтинчи съезди бўлиб ўтди.

- **ТОШКЕНТ** молия институтида Обод маҳалла йили муносабати билан ташкиллаштирилган тал-бирда «Маҳалла» жамғармасининг Юнусобод туман бўлими вакиллари иштирок этинди.

- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат

консерваториясида француз мусиқаси фестивали доирасида концерт дастури намойиш этилди.

- **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида «Ўзбекистонга муҳаббат билан» мавзуида ташкил этилган фотосуратлар кўрик-танлови ниҳоясига етди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

**ФУКАРО  
ХУҚУҚЛАРИ ВА  
МАТБУОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган вазифа ва қондаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастурига мувофиқ Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзА, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан «Оммавий ахборот воситаларига фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан юборилган мурожаатларнинг кўриб чиқишини тақомиллаштириш» мавзусида соҳага ихтисослашган журналистлар учун навбатдаги давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Бош прокуратура ҳамда Ички ишлар вазирлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Анжуманда Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев ва бошқа нотикларнинг маърузалари тингланди.

Оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишини тақомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис томонидан 1994 йил 6 майда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги, 1996 йил 30 августда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»-ги, 1997 йил 24 апрелда «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги, 1997 йил 26 декабрда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги, 2002 йил 12 декабрда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, соҳага оид қабул қилинган фармон ва қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизда 813 оммавий ахборот воситаси, жумладан, 562 та газета, 172 та журнал, тўртта ахборот агентлиги, 75 телерадиостудия ва кабель телестудияси эркин фаолият кўрсатмоқда. Уларга келиб тушаётган аризаларга ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида юзага келган муаммоларни тезкорлик билан акс эттирадиган фойдала восита сифатида қараш лозим.

Йиғилишда суд-ҳуқуқ органлари ва оммавий ахборот воситалари ўзаро ҳамкорлик доирасининг кенгайтириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Анжуманда Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ҳ.Ҳошимов сўзга чиқди.

**Бехзод НОРБОВЕВ,  
ЎЗА мухбири**

Ўтган вақт мобайнида Халқ таълим вазирлиги тизимида бу борада талай ишлар амалга оширилди. Фармойишда белгиланган вазифаларни ҳал этиш мақсадида вазирликнинг махсус буйруғи қабул қилиниб, Конституцияни ўрганиш бўйича болалар ёшига мос дарслик, махсус адабиёт ва услубий қўлланмалар яратиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилди.

Хусусан, мактабгача таълим муассасалари учун «Конституция сабоқлари» дастур ва услубий қўлланмаси чоп этилиб, жойларга етказилди. 1-4-синф ўқувчилари учун «Конституция алифбоси», 5-7-синфлар учун «Конституция оламига саёҳат» дарсликлари нашр

этилди. Шунингдек, 8-синфлар учун «Давлат ва ҳуқуқ асослари», 9-синф ўқувчилари учун

Бундан ташқари, ўқитувчи, тарбиячи ва услубчиларни қайтар таъёрлаш ҳамда малакаси-

*8 декабрь — Конституция кўни*  
**АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИ  
ЎРГАНАМИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йилнинг 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»-ги Фармойишда ёш авлоднинг ҳуқуқий тафаккури ва маданиятини юксалтириш мақсадида болалар ва ўқувчиларнинг ёш ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Конституцияни ўрганиш бўйича дарслик ва махсус адабиётлар яратиш, чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил этиш кўзда тутилган эди.

«Конституциявий ҳуқуқ асослари» дарслиги нашрдан чиқди.

ни ошириш курсларини ташкил этиш режалари ишлаб чиқилди ва Абдулла Авлоний

Жорий йилнинг ҳисобот даврида комиссия томонидан тасдиқланган режага асосан назорат органларига маъмурий тарзда 10653 та

субъектлар ўз фаолиятини тугатгани, манзили ўзгарганлиги ёки вақтинча фаолият юритмаётганлиги сабабли ўтказилмаган.

қилинди. Ўтган вақт давомида ҳужалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлардан қонун ҳужжатлари талабларини бузилган ҳолда

ўтган даврида 2002 йилга нисбатан асосий текширувлар 50 фоизга камайган, умумий текширувлар сони эса йил сайин 20-30 фоизга қис-

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

**ТЕКШИРУВЛАР САМАРА  
БЕРЯПТИМИ?**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг шаҳар ҳудудий комиссиясининг ўтган вақт ичида белгиланган вазифалари ижроси юзасидан йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими — шаҳар ҳудудий комиссиясининг раиси Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

Йиғилишда бу масалага алоҳида урғу берилиб, давсталла белгиланган текширувлар якунига етказилмасдан режадан ташқари текширувлар ўтказилаётганининг сабаблари, уларнинг сифати, натижалари кўриб чиқилди. Хусусан, йиғилишда муҳокама қилинган Миробод тумани ҳудудий комиссиясининг фаолияти бўйича танқидий фикрлар билдирилди. Аниқлаштиришча, 2003 йилнинг тўққиз ойи давомида туман ҳудудига ўтказилган текширувларнинг 98,2 фоизи умуман самарасиз бўлган, режадаги 279 та субъектнинг 21 тасида текширув ўтказилмаган, шу билан бирга режадан ташқари олиб борилган назорат ишлари кутилган натижадан берган деб бўлмади.

Комиссия йиғилишида шунингдек, ҳужалик субъектлари фаолиятига назорат органларининг асосий аралашуви йўл қўймаслик мақсадида жойларда ташкил қилинган «ишонч телефон»лари хизмати фаолияти ҳам таҳлил

ўтказилаётган текширувлар бўйича «ишонч-телефон»лари орқали 161 та ариза олинган ва ҳар бири юзасидан тегишли чоралар қўрилган. Шу ўринда йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун тижорат банки ва солиқ инспекцияларининг 4 нафар мансабдор шахсларига нисбатан интимиқий чоралар қўлланилгани айтиб ўтиш жоиздир. Бундан ташқари, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг бўлими томонидан 400 та ҳужалик субъектининг текширишлари қайд қилиш китоблари ўрганилганда, 29 ҳолатда назорат органлари томонидан китобда талабга жавобан маълумот берилмагани, икки ҳолатда ноқонуний текширувлар ўтказилгани аниқланган, шу жумладан, «Бахт-Билор» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг молиявий-ҳужалик фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 40 кун давомида ноқонуний тарзда текширилган. Дарвоқе, жорий йилнинг

6888 та корхона ва ташкилотларнинг фаолияти уч йилдан буён назорат органлари эътиборидан четда қолмоқда. Комиссия аъзолари томонидан ушбу масала ҳам чуқур ўрганилиши, келгуси йил режаси тасдиқланишидан олдин жадвалга киритилаётган ҳар бир манзил бўйича таҳлил ўтказилиши, шу жумладан, тугатилган субъектлар қайтадан рўйхатга киритилмаслигининг олдини олиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси кенгайтирилгани ва унинг таркибига прокуратура хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш бошқармаси ҳамда статистика бошқармаси киритилганлиги хусусида ахборот берилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «Конституцияни ўрганиш» курслари ташкил этилди. Мазкур курсда 10 минг нафардан зиёд ўқитувчи малака оширди.

Конституцияга ўқувчилар қизиқишини ошириш мақсадида ўтказилаётган «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз Ўзбекистон Конституциясини биласизми?», «Президент асарларининг билимдони», «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусидаги кўрик-танловларнинг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири**

**Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бунда, айниқса, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик алоҳида ажралиб туради.**

**«НЕМИС  
ЎҚУВ ЗАЛИ» ЯНГИ  
БИНОДА**

Пойтахтимиздаги Л.Толстой номидаги кутубхонада «Немис ўқув зали» очилди. Янги бинода иш бошлаган немис ўқув залига ГФР ҳукумати томонидан беш мингга яқин китоб, аудио ва видеокассеталар ҳамда CD-дисклар тақдим этилди. Мазкур ўқув жиҳозлари ҳамюртларимизга Германия ҳаёти билан яқиндан танишиш ва немис тилини ўрганиш имконини беради.

1994 йили Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси раҳбарияти ташаббуси билан Тошкентда илк бор немис ўқув залига асос солинган эди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Германия ҳукумати томонидан Мюнхен шаҳридаги Гёте институти марказий бошқармасига 60 000 еврога тенг миқдорда маблағ ажратилди. Номини зикр этилган кутубхонанинг мазкур ўқув зали ҳам ушбу маблағ ҳисобидан зарур анжомлар билан таъминлаб келинмоқда.

Ўқув залининг очилишида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хекер сўзга чиқди.

*Бозор ва харидор*

**МАҲСУЛОТЛАРИ  
БАРЧАГА МАНЗУР**

Тадбиркорлик ёш танламас экан. Неча йиллардан буён дилида эзгу ниётини тугиб юрган Мехриниса опа ҳам пенсияга чиққач, бекор ўтиришни истамасди. «Ахир қўлимдан келадикун, — уйлади у, — кичкинагина тикувчилик чеҳи очиб, бир-иккита шогирдларни тарбиялаб, чиройли ва бежирим кийим-кечеклар тикишимиз мумкин».

Харакатда баражат, дейишди. Шу бонсдан ҳам Мехриниса Мавлонованинг ҳаракатлари, олиб-югуришлари зоё кетмади. Тикув чеҳи машиналар билан жиҳозланди, керакли хом ашё


ҳам олинди. Астойдил, сидқидилдан интилишган 5 нафар бичиқчи ва тикувчилар Мехриниса опанинг ишончини оқлашди. Аввалига болалар, сўнгра аёллар ва эркаклар кийим-кечеклари тикилди. Мижозлар, буюртмалар сони ҳам ортиб борапти. Бунинг асосий сабаби хусусий тадбиркор бозорда қандай кийим-кечекларнинг бозори чаккон, бугунги харидор қандай бичимни ёқтиради, нархи қандай бўлганга маъқул — барчасини ўрганиб боради. Шунингдек, лицей ва коллеж ўқувчиларига ҳам буюртмалар асосида ўқув формалари тикиб берилмоқда. Мехриниса Мавлонова ҳар бир мавсумга мос кийимлар тайёрлашга интилади. Тикув чеҳининг маҳсулотлари «Чорсу» буюм бозорида ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

— Тикаётган ҳар бир кийимнинг

аввало текис ва сифатли бўлишига алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди хусусий тадбиркор Мехриниса Мавлонова. — Алоҳида буюртмалар бўйича тикиш нархларимизни миқозининг эҳтиёжга яраша белгилашга ҳаракат қиламиз. Мен юртимизда тадбиркорларга яратилган шарт-шароитдан мамнунман. Ана шу тўғрисида мен ҳам тадбиркорликка қўл урдим, хотин-қизларга иш ўринлари яратдим. Максимум эса ички бозоримизни ўзимизда тайёрланган сифатли тикув маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳисса қўшишдир.

**Дилноза ФИЁСОВА  
СУРАТДА: тадбиркор аёл  
ташкил этган тикув чеҳи чевари  
Муборак Йўлчиева.  
Ҳақимжон Солиҳов  
олган сурат.**





## Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● АҚШ ҳукумати тўқнашувлар юз берган пайтда ёниб кетиш хавфини камайтириш мақсадида автомобиль хавфсизлиги бўйича янги стандартларни белгилади. Янги талаблар автомобиль ишлаб чиқарувчиларни яқин бир неча йил ичида автомобиллар ёнилиги тизимини такомиллаштириш ёки бошқа ўзгартиришлар киритишга ундайди.

● Европа суди Испанияга агарда ушбу мамлакат ўз кўллари, ҳовузлари ва бошқа чўмилиш жойларидаги сувнинг сифати тўғрисидаги қонунни бузишда давом этса, жарима солишни билдирди. Агарда Испания мазкур объектларда тартибни жорий этмаса, у Европа қонунларини бузганлиги учун жаримага тортилган Европа Иттифоқининг иккинчи мамлакатига бўлади.

● Аргентина ички ишлар вазири Анибаль Фернандеснинг «Новости» агентлиги журналистларига маълум қилишича, Неукен шаҳрида 400 дан ортқ испис азҳо норозилик намойиши ўтказган. Улар озик-овқат учун нақд тўланадиган нафақа бекор қилиниб, ўрнига магнитли карточка жорий этилганлигидан норози бўлиб кўчаларга чиққан. Полиция намойишчиларга қарши резина ўқ ва кўздан ёш оқизувчи газ кўллаган. Натижада 20 киши жароҳат олган, шундан 7 нафари жиддий яраланган.

● ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори-дармонлар рекламасини тақиқлаш тарафдори. Негаки, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Татьяна Стукованинг айтишича, россияликлар соғлиғини муҳофаза қилиш учун улар биринчи навбатда дори-дармонларнинг таъсир кучидан иложи борича «беҳабар сақланиш» лозим. Зеро, беморлар шифокор тавсиясиз ҳам қимматбаҳо дориларни олаверадилар. Бу эса ҳар доим ҳам қутилган натижани бермапти.

● Яқин Шарқда тинчлик жараёнини қайтадан бошлаш учун Исроил Бош вазири Ариел Шарон бир томонлама тинчлик келишувига эришиш имконияти мавжудлигини маълум қилди, ammo бу тўғрида қандай қарор қабул қилинишига аниқлик киритмади.

● Германияда эндиликда ота-оналар қонун бўйича ўз фарзандларига майда харажатлар учун пул беришга мажбур. Болалар ва ёшлар ишлари бўйича идоранинг кўрсатмасига биноан, 15 ёшли ўсмир ҳафтасига 25-30 евро миқдорига пул олиши керак. Пул миқдори боланинг ёшига қараб белгиланади. Ушбу мажбуриятни бажармаган ота-оналарга жарима солинади.

## ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

Ушбу савол бугунги кунда янги муддатга қайта сайланган кўллаб оқсоқолларга тааллуқли албатта. Кимдир маҳаллада қошона курган, кимдир — спорт майдончаси, яна кимдир маҳаллани гулзорга айлантирган бўлса, кимдир ободончилик ишларини кучайтирган, яна бошқа оқсоқол аҳолини иш билан банд қилиш масаласининг ечимини топган... Бундай инсонларни шубҳасиз маҳалла-кўй кўллаб-қувватлайди. Биз сўз юритмоқчи бўлган оқсоқол қайси жиҳатлари билан ўз маҳалладошлари эътиборини қозондики, ҳисобот йиғилишида у яна фуқаролар йиғини раиси этиб сайланишга муваффақ бўлди?

«Кўштут» маҳалласида замонавий гузар ҳали йўқ, кўчалар ҳам ҳали тўлиқ таъмирланмаган. Бу ерда бирон бир қорхона ёки ташиқлот фаолият юритмайди, демак хомийлардан ҳам дарак йўқ. Фақат иккита мактаб ва мактабгача таълим муассасаси жойлашган. Шундай бўлсада, юқоридега айтиб ўтилганидек, маҳалла аҳолисининг аксарияти ва таълим масканлари вакиллари ҳам маҳалла бошқарувини яна Абдуқодир Эгамбердиевга топширишни маълум топдилар.

Собир Раҳимов туманининг Эски шаҳар қисмида жойлашган ўнлаб маҳаллалар қаторида «Кўштут» ҳам қадимий Тошкентнинг тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу жойларнинг ўзига ҳос фойзали ва тароватли «лабиринт» каби боши берк ёки тор кўчалари, қайси бир хонадонга кирманг токи шифтлари-ю «мусулмон» гиштидан терилган йўлаклари, жимжамдор эшигу деразалари шаҳримиз тарихини эслатиб туради. Мутахассислар архаизм деб билган «тоқча», «дахлиз», «сандал», «хўжра» каби сўзлардан Эски шаҳарликлар амалда тез-тез фойдаланиб туришади. Лекин бу билан кўштутликларнинг яшаш шароитлари ҳам шунга яраша демократизм, асло. Бундан етти йил илгари Сағбон, Қорасарой, Форобий кўчалари тубдан таъмирланиб кенг, раво кўчаларга айлантирилди. Маҳалла аҳолининг бир қисми янги уйларга кўчиб ўтган бўлса, қолган уйларга табиий газ, совуқ сув, оқва сув тармоғи, телефон кириб борди. Анча «сийрак»лашиб қолгани боис «Кўштут» фуқаролари қўшни иккита маҳалла билан бириктирилди ва аҳоли орасида ҳамжиҳатлик анча кучайтирилди ва мустақамлинишига олиб келди деса бўлади. Оқсоқол бўлишга кўпчилик шайланди ва ишлаб кўрди ҳам, ammo...

Абдуқодир Эгамбердиев «Кўштут» маҳалласига оқсоқол этиб шу йилнинг бошида сайланди. Ўзи ўсиб-улайган маҳалласини яхши билган ва таниган янги оқсоқол олдида қандай вазифалар турганини англаб етганди. Бироқ, номи бўлгани би-

лан негизи шаклланмаган ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини нимадан бошлаб, қандай юритиш керак деган савол Абдуқодир аканинг бошини бироз гангитиб қўйди. Бир каттадан, бир ёшдан фикр олиб, у ишни хонадонлар турмуши билан танишишдан бошлади.

## НИМА УЧУН ОҚСОҚОЛ ҚАЙТА САЙЛАНДИ?

— Шу ерда буваларим, отам ўтган. Ўзим 80 га қадам қўйдим. Невара-чевараларим ҳам шу маҳаллада катта бўлапти, — дейди Абдулазиз ота Хидоятлов. — Шу ёшга кириб кўчама-кўча юриб, ҳар бир хонадон эшигини тақиллатиб «Мен оқсоқолман», маҳалла фаолиятига тақилфингиз, эътирозларингиз борми, бирон бир юмушда ёки муаммоларда ёрдам керакми?» деб маҳалланинг каттаю кичигига ўзини таништирган, оилалар турмуш шароити билан қизиққан раисни биринчи марта учраттишим. Ўтган қисқа вақт ичида хашар уюштирилди, кўчалар таъмирландими, тадбирлар ўтказилди, оқсоқол ҳар доим барчасида бошқоқ. Энг муҳими — Абдуқодир тўқ оиланинг фарзанди бўлгани учун ҳам бировларнинг қўлига ёки чўнтагига қарам эмас. Мен моддий бойликни назарда тутаятганим йўқ. Фақат иймони мустаҳкам киши бошқаларни яхши ишлар сари етаклайди, қолверса кези келганда сўзини ҳам ўтказишга қодирдир. Шундай экан, нима учун Абдуқодир эндигина ишени бошлаб, кўпчиликнинг эътиборини қозонган бир пайтда бошқа кишини оқсоқоликка сайлашимиз керак. Менинг назаримда бу лавозимга даввогар бўлиб турган учта маҳалламиз фуқаролари ўз номзодларини Эгамбердиев

фойдасига олгани бежиз эмас. Ҳисобот-савол йиғилишида улар тўлақонли оқсоқоллик илгаригидек шунчаки тўй-ҳашамларда савлат тўкиб туриш ёки талаб этилган жойга маълумотнома ёзиб бериш эмаслигини англаб етишди чоғи...

Дарҳақиқат, «Кўштут» маҳалласининг ҳисобот-савол йиғилишида сўзга чиққанлар А.Эгамбердиевнинг ўтган тўққиз ой ичида қилган ва улгурмаган ишлари қаторида кўпроқ унинг инсоний фазилатлари устида самимий фикр-муносабатлар билдиришди ва тадбир сўнгига маҳаллада истиқомат қилаётган 6 мингдан зиёд фуқаролар номидан ташриф буюрган сайловчи вакиллар бир овоздан Абдуқодир Эгамбердиевни яна маҳалла оқсоқоли этиб сайлашди.

— Биламан, маҳалламизда қилинадиган ишлар талайгина, — деди маҳалладошларига миннатдорчилик билдириб А.Эгамбердиев. — Хали деярли ҳеч қандай иш қилиб улгурмаган бўлсам ҳам кўллаб-қувватлаб ишонч билдирган экансиз, мен учун бу катта масъулият юклайди. Биргина илтимосим — мендан ёрдамингизни аяманг, билмаганимни ўргатинг, зеро ҳар биримизнинг саъй-ҳаракатимиз маҳалламиз оқсоқолининг, фаровонлигини учундир.

Вақт ҳакам. Поиттахтимизнинг энг катта тумани ҳисобланган Собир Раҳимов туманидаги маҳаллалар сони яқинда яна иккита — «Бўстон» ва «Нихол»-га қўнайиб, эндиликда 58 тани ташкил қилади. Айни пайтда тумандаги 33 та маҳаллада ҳисобот йиғилишлари ўтказилган бўлса, ўзини ўзи бошқариш органларига сайланганлардан саккиз киши биринчи марта оқсоқол лавозимига фаолият юритади. Қолганлари эса фуқаролар йиғини раиси нечоғлик масъулиятли вазифа эканини ўз елкасида синаб қўришга улгурган. Уларнинг сайловчиларининг ишончини яна бир бор қанчалик оқлай олишини эса вақт кўрсатади.

Ильмира ШАРАФУДИНОВА

## Грамматик қирқари

Эътибор қозонди: араб мутахассисларининг эътирофига кўра, бу тадқиқотлар араб маданиятининг энг юксак қирраларидан бирини очиб берди. Олимнинг 1996 йили Байрутда араб тилида нашр этилган «ас-Сияр аш-шаъбийя ал-ара-

расини хорижий мамлакатларда сақланаётган Ватанимизга оид кўллаб ҳужжатларни юртимизга олиб келинаётганлигида қўриш мумкин. Ушбу мақсад йўлидаги хорижлик, жумладан, мисрлик олимлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Хусусан Қоҳира кутубхоналарида сақланаётган Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари ижодида мансуб миниатюра санъатининг нодир дурдоналари, Имом ал-Бухорий, Бурхониддин ал-Марғиноний ва бошқа алломуларимиз асарларининг бу ерда асраб келинаётган энг қадимий қўлёзма

## ЎЗБЕК ОЛИМИ НУФУЗЛИ АКАДЕМИЯ АЪЗОСИ

Ўзбекистоннинг Қоҳирадаги элчихонасига Мисрнинг Мажмаъ ал-луғат ал-арабийя — Араб тили академиясидан хушхабар битилган расмий хат келди. Унда таниқли ўзбек олими Нейматулло Иброҳимовнинг Академия ҳақиқий аъзолигига сайланганлиги тўғрисида хабар қилинади.

бийя» («Араб халқ романлари») фундаментал асари илмий доираларда юқори баҳога сазовор бўлди.

Нейматулло Иброҳимов илмий тадқиқотлари туркумининг муҳим йўналишларидан бири Ватанимиз тарихининг асл манбаларини ўрганишга бағишланган. Бундай изланиш минтақамиз тарихининг ҳали чуқур ўрганилмаган ҳақиқатларини очиб беришга хизмат қилмоқда. «Ибн Баттута ва унинг Урта Осиёга саёхати» китоби ўзбек олимга катта шухрат келтирди. Ушбу илмий рисола ўз вақтида Ўзбекистон, Буюк Британия ва Россияда ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилиб, илмий жамоатчилик орасида кўлма-қўл бўлиб кетган эди.

Истиклол туфайли Ватанимиз тарихи, маданияти ва санъатига оид миллий бойликларни топиш ҳамда халқимизга қайтариш бугун энг муҳим вазифалардан бири бўлди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Олий Махлис ҳузурида мазкур масала бўйича тузилган махсус комиссия раиси сифатида Нейматулло Иброҳимов бугун ана шу хайрли ишни амалга ошириш йўлида жонбошлик кўрсатмоқда. Комиссия саъй-ҳаракатларининг сама-

расини хорижий мамлакатларда сақланаётган Ватанимизга оид кўллаб ҳужжатларни юртимизга олиб келинаётганлигида қўриш мумкин. Ушбу мақсад йўлидаги хорижлик, жумладан, мисрлик олимлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Хусусан Қоҳира кутубхоналарида сақланаётган Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари ижодида мансуб миниатюра санъатининг нодир дурдоналари, Имом ал-Бухорий, Бурхониддин ал-Марғиноний ва бошқа алломуларимиз асарларининг бу ерда асраб келинаётган энг қадимий қўлёзма нусхалари аниқланди. Мутахассисларнинг фикрича, Саъдий Шерозий «Бўстон»нинг нафис қўлёзмаси, Султон Хусайн Мирзо Бойқаронинг топшириги билан махсус кўчирилган ва унинг шахсий кутубхонасида сақланган. У мусаввир Бехзод томонидан ишланган миниатюралар билан безатилган билан ҳам алоҳида қиммат касб этади. Мисрдаги илмий муассасаларда сақланаётган бу ва бошқа кўллаб асл манбалар ҳамда санъат асарларининг рангли ва электрон нусхалари юртимизга олиб келинди.

Келаси йилнинг 22 март-4 апрель кунлари Мажмаъ ал-луғат ал-арабийя академиясининг навбатдаги аънавий йиллик конференцияси бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Нейматулло Иброҳимовга Араб тили академиясининг аъзолик гувоҳномаси тантанали равишда топширилади. Бу эса ўзбек илм-фанининг халқаро кўламда тан олинаётганлигининг яна бир ёрқин далилидир.

«Жаҳон» АА

### ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ АСОСИ

Бозор муносабатлари шароитида албатта жамоа шартномасининг аҳамияти каттадир. Мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар жамоа шартномаси қонун доирасида меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилади.

«Дилафруз» хусусий корхонасида 17 нафар киши меҳнат қилиб келмоқда. Жамоа шартномаси асосида ишчиларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳимояланмоқда. Жумладан, меҳнат таътилига кетаётган ишчиларга ёрдам пулини бериш, киши мавсумга тайёр-гарик кўриш учун кишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш мақсадида ишчи-хизматчиларга ёрдам пулини ажратиш ҳамда умумхалқ байрамлари муносабати билан пул муқофотларини бериш яхши йўлга қўйилган. Барча ишчилар маъмурий им-кечаклар билан бепул таъминланган. Ишчиларнинг фарзандлари учун «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳига ёзги мавсумда имтиёзли йўланмалар ва ходимларнинг маданий дам олишлари учун оперетта театрига, цирк томошаларига чипталар бепул берилади.

«Хур-Омад» масъулияти чекланган жамиятида 72 киши меҳнат қилади. Корхонадаги меҳнат муносабатлари жамоа шартномаси асосида ташкил этилган. Жамоа шартномасининг бажарили-

ши корхонанинг умумий мажлисида муҳокама этилиб, ҳисоботлар тингланмоқда. Корхонада ички меҳнат тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган, ходимларга иш хақи ўз вақтида берилмоқда.

Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ходимларни соғломлаштириш ва маданий-оммавий ишларга аҳамият бериб, меҳнат жамоасида футбол жамоаси тузилган. Хаваскор футболчилар зарур спорт формалари ва анжумлари билан таъминланган. Корхона ишчиларига ҳар йили Сув спорти саройига имтиёзли йўланмалар берилмоқда. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур тумани билан бирлашган касаба уюшмаси томонидан ҳар йили Самарқанд, Бухоро шаҳарларига уюштирилаётган сайёҳлик сафарларига мазкур корхонанинг ишчилари ҳам таклиф этилмоқда.

«Дехқонсавдо» ташки савдо бирлашмасида ҳам меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Корхонада меҳнаткашларнинг соғлиқларини мустаҳкам-

лашлари мақсадида санаторийларда довланишлари учун 242 минг сўм, дам олиш масканларида хордиқ чиқаришлари учун 400 минг сўмга яқин маблағ сарфланган. Ҳар бир ходимга меҳнат таътилига чиқишида бир ойлик маош миқдорига моддий ёрдам пули берилди. Бу мақсад учун бирлашма томонидан жами икки миллион уч юз минг сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Корхона томонидан ходимларга киши мавсумга кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишлари учун 760 минг сўм миқдорига моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ишчи-хизматчиларга транспортда юришлари ҳамда оққатланши учун корхона ҳисобидан маблағ ажратилган. Меҳнат аҳлининг фарзандларини ёзги мавсумда соғломлаштириш мақсадида «Мовий денгиз» болалар соғломлаштириш оромгоҳига имтиёзли йўланмалар берилмоқда. Жамоа шартномасига қатъий амал қилиш, меҳнат аҳлининг манфаатини ҳимоялаш фойдали иш бўлиб, касаба уюшмалари фаолиятида кундалик вазифа ҳисобланади.

**Қодиржон ХАСМАНОВ, Кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма шаҳар кенгашининг масъул ходими.**

«Сувжихозга» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ишчи хизматчилари ҳар куни иш жойларига яхши кайфият билан келадилар. Зеро моҳир чўққулари билан тайёрлаётган маҳсулотлар жуда зарур эканлиги, ички ва ташқи бозорда уларга талаб кучли эканлигини яхши билдилади.

### ИШ УНУМДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Кенг, ёруғ ва сўнгги техника янгиликларини асосида жиҳозланган цехлар, меҳнат қилиш учун яратилган қулай шароитлар ва техника хавфсизлигига риоя қилиниши ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ҳар томонлама ўсиши, тайёр маҳсулот сифатининг ошишига замин яратмоқда.

Сиз суратда кўриб турган қўшма корхонанинг чилангар-йиғувчиси Нодир Комилов ҳам ёш бўлса-да илгор ва моҳир ишчилардан ҳисобланади. У ўз меҳнатининг фойда келтиришини дилдан ҳис этган ҳолда

касб маҳоратини янада оширишга доимий ҳаракат қилиб келибди.

Меҳнатда юқори намуналарга эришиш, маҳсулот сифатини оширишга корхона ишчи-хизматчиларининг ижтимоий муҳофазаси яхши йўлга қўйилганлиги муҳим омил бўлмоқда. Касаба уюшмаси фаоллари биринчи навбатда Нодир Комилов каби ишлаб чиқариш илгорларига манзилли ёрдам кўрсатишмоқда.

(Ўз мухбиримиз) Раҳмон Акбаршиев олган сурат.



# ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

Бугунги кунда—мамлакатимизда бозор муносабатларига хос тул ислохотлар амалга оширилган бир пайтда ижтимоий шерикчиликни ривожлантириб, барча корхона ва ташкилотларда иш берувчилар билан меҳнаткашлар ўртасида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилиш касаба уюшмаларининг энг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Бунда иш берувчи билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жамоада меҳнат интизомини тартибга солиш билан бирга меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш, ойлик маошларини ўз вақтида олишларини назорат қилиш, оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олишини ташвиқ этиш бошлангич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосидир. Жамоаларда иш берувчи билан меҳнаткашлар ўртасида қабул қилинган меҳнатга оид жамоа шартномалари айнама амалдаги қонун ва ҳужжатларга асосланган ҳолда тузилиб, уларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашда, унда акс этирилган мажбуриятларнинг бекаму-кўст бажарилишини тўғри назорат қилишда бошлангич касаба уюшма ташкилотларининг роли каттадир.

Қўрилаган масаланинг моҳиятини эътиборга олиб, тасдиқланган жадвалга биноан Кенгашнинг масъул ходимлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмалари бошлангич ташкилотлари ва юқори органлари ўртасида алоқани мустаҳкамлаш, жойларга чиқиб уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари шаҳар кўмиталари хизматидаги қатор корхоналарда олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилди.

Жойларда касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, ходимларга қулай ва бехатар меҳнат шароитлари яратиш бериш, ташкилий ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш борасида амалга оширилаётган ишларни бирмунча яхшилашга эришилган.

Бу борада айниқса, «Ўзметабзавотузумсан-атлоийка», «Тошискиликмарказ», «Автосанкомплект» очик ҳиссадорлик жамиятларида, «159-қурилиш трести» хиссадорлик жамиятида, «Ўзқишлоқ-хўжаликмашилизинг» акциядорлик-лизинг компанияси корхона ва ташкилотларидаги бошлангич касаба уюшма ташкилотларида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Аммо, «Ўзэкспомарказ» савдо-кўرғазмалар маркази, «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимидаги 3- завод, 1-босмаҳона, «Ўзбекиш-лоқмаш» ва «Тоштўқимачи» очик акциядорлик жамиятларида шартнома лойиҳаларини тузиш ва уни жамоада муҳокама қилиш, ижросини назорат-

га олиш ҳамда тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайдми. Ушбу бошлангич касаба уюшма ташкилотларида иш режалари расман тузилиб, унга Меҳнат Кодекси талабларига риоя этилишини, меҳнатга ўз вақтида келишилган ҳолда ҳақ тўланишини назорат қилишга оид масалалар умуман киритилмаган. Бу иш режаларидан асосан Наврўз ва Мустақиллик умумхалқ байрамларини ўтказиш, ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш масканларига йўланмаларини бериш ва тақсимлаш масалалари ўрин олган. Хаттоки, «Ўзэкспомарказ» касаба уюшма бошлангич ташкилотининг иш режасига моддий ёрдамни тақсимлаш масаласи ҳам киритилган, жамоа шартномаларининг ва унга илова қилинадиган

## ТАҲЛИЛЛАР НИМАНИ КўРСАТДИ?

ёки ҳамма корхоналарда ҳам ижтимоий ҳимоянинг бош масала эканлигига эътибор қаратиляптими?

«Тоштўқимачи» очик акциядорлик жамоасидаги жамоа шартномасида ходимларни ишга қабул қилишда ва ишдан бўшатишда имтиёз ва кафолатлар тўғрисидаги мажбуриятлар кўрсатилмаган. 1-босмаҳонада эса жамоа шартномасига илова қилиниши зарур бўлган ички меҳнат тартиби умуман тузилмаган. Шунга қарамадан Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 4-бандига асосланиб, яъни ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги сабабли меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинмоқда. Ваҳоланки, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида касаба уюшма ташкилоти билан келишилган ҳолда белгиланиб қўйилгандагина, қонунчи кучга эга бўлади. Бундан ташқари, бу корхонада иш берувчи томонидан 2003 йил 18 апрелдаги 17-сонли буйруқ билан ходимларнинг розилигисиз 21 апрелдан 5 майгача 4 соатлик иш кунига ўтилган. Бу эса Меҳнат Кодексининг 89-моддасига зид бўлиб, унинг шартларига амал қилинмаган.

Жамоаларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш касаба уюшмалари бошлангич ташкилотларининг устувор вазифалари сирасига кирса-да, аммо баъзи корхоналарда бу борада олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб

бўлмайдми. «Тошқишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятида 2003 йил 18 февралда 1-қўшиқ цехида 9 йилдан ортқ меҳнат қилиб келаётган 32 ёшли Хусан Кундиев металл қуйиш вақтида содир бўлган бахтсиз ҳодиса натижасида чап кўзидан жароҳат олган. Комиссия томонидан бахтсиз ҳодиса ўрганиб чиқилиб, Н-1 шахидаги далолатнома тузилган. Аммо касаба уюшма ташкилоти томонидан бахтсиз ҳодиса эътибордан четда қолиб, унинг келиб чиқиш сабаблари ва келгусида шунга ўхшаш ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланган мақсадида касаба уюшма йиғилишида муҳокама қилинмаган ва тегишли чора-тадбирлар қўрилмаган. Ҳаттоки, содир бўлган ҳодиса тўғрисида касаба уюшмалари юқори органларига хабар берилмаган. Натижада корхонада бахтсиз ҳодиса юзасидан Н-1 шахидаги далолатнома тузилган бўлса-да, ТМЭК комиссиясига сўровнома қўрилди ва иш назоратга олинди.

3-автожамлама корхонасида иш берувчининг ташаббуси билан 16 йилдан ортқ меҳнат қилиб келаётган автобус ҳайдовчиси Ҳикматулла Ҳайдаров охириги пайтда тез-тез қасал бўлаётганлиги сабабли унинг розилигисиз Меҳнат Кодексининг 218-моддасига зид равишда буйруқ чиқарилиб бошқа ишга ўтказилган. Буйруқда асос қилиб касаба уюшмаси кўмитаси йиғилишининг баённомаси кўрсатилган. Бу моддага кўра иш берувчи ходимнинг розилигини олиб, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки бутунлай бошқа ишга ўтказиш шарт. Шаҳар Кенгашининг аралашуви билан бу буйруқ бекор қилинди. Бундай ҳолларда касаба уюшма ташкилотининг фаолиятини қандай баҳолаш мумкин?

Ўрганиб чиқилган корхоналарда, айниқса «Ўзэкспомарказ», «1-босмаҳона», «159-қурилиш трести» да меҳнат дафтарчаларини юритиш, ходимларни ишга олиш ва бўшатишда Меҳнат Кодексининг 74, 82, 99, 108-моддалари талаблари тўлиқ бажа-

рилмаяпти. Ходимларни йиллик таътилдан қақриб олишда Меҳнат Кодексининг 144-моддаси талаблари бузилмоқда.

«Ўзэкспомарказ» савдо-кўрғазмалар марказида эса меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича келишувга 2000 йилдан бери ҳеч қандай ўзгартириш киритилмаган. Бу масалага эътиборсизлик билан қараш айрим пайтларда жамоа шартномаларига амалдаги қонуниятга зид тадбирлар киритилишига ҳам олиб келмоқда. «Тоштўқимачи» АЖ жамоа шартномасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида меҳнатга лаёқатсизлиги тўла ёки қисман йўқотган шахсга эмас, балки фақат ногирон бўлиб қолганларгагина бир йўла бериладиган нафақа тўланиши, касб касаллиги бўйича эса зарарли ва ноқулай иш шароитларида 15 йил ишлаган ва 6 йил давомида корхона даволаш муассасасида даволанган шахсларгина тан олиниши назарда тутилган.

Жойларда қўл ҳолларда ўзини жуда яхши оқлаган техника хавфсизлиги устидан 3 поғонали назорат номигагина олиб борилмоқда, айрим ҳолларда қўлатчилик назорати ташкил қилинмаган. «Ўзэкспомарказ» савдо-кўрғазмалар марказида эса меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия ҳам сайланмаган. Натижада, ишлаб чиқаришларда жиҳоз ва ускуналарни ишлатишдаги бартараф қилиниши мумкин бўлган қонунбузарлик ва нуқсонлар сақланиб келмоқда, ишловчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларга йўл-йўриқ бериш, уларни белгиланган меъёрларда маҳсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, сут ва унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлаш масалаларида қатор камчиликлар мавжуд. Хулоса қилиб айтганда, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар кўмиталари ходимлари кўпроқ тизимлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда уларга яқиндан ёрдам беришлари, жамоа шартномаси ва унга илова қилинган ички меъёрий ҳужжатлар экспертизасига жиддий эътибор қаратишлари керак. Бошлангич касаба уюшмалари фаолларининг малакасини ошириш, ўз соҳасини, касаба уюшмалари муаммоларини яхши, чуқур билиши, ижтимоий-иқтисодий ҳимоянинг фаол шаклларида фойдалана олиши, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш ишларига катта аҳамият беришимиз лозим. Шундагина меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш масалаларида уларнинг ишончини оқлаган бўламиз.

**Бахтиёр ҲАМИДОВ, Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими мудири.**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси ва тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кўмитаси томонидан Аббор Хидоятлов номидаги ўзбек Давлат драма театрида Халқаро талабалар кўни муносабати билан анъанавий маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Шаҳримиздаги олий ва ўрта маҳсус таълим ўқув юрларида тахсил олаётган ногирон, моддий ёрдамга муҳтож талабаларга имкон қадар меҳр-мурувват кўрсатиш, улар кўнглини шод этиш ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси тасвир

ларидан иборат бўлган ҳамда оста-онаси бағридан йирокда мустақил яшаб ўқиётган ёшларнинг беғуборлик, гоёта самимийлик билан айтган дил сўзлари, миннатдорчилиги

ки, бизнинг давримизда бундай имконият йўқ эди. Сизларга омад тилаймиз», — дея эзгу ниятини билдирди.

Байрамларни куй-қўшиқ, санъаткорларсиз тасаввур этиб бўлмайдми. Театр аҳли ёшларга кизиқарли, мазмунли маданий дастурни тақдим этиди. Талабалар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муножат Тешабоева ижросидаги дилортар қўшиқларни мароқ билан тингладилар. Ўзбекистон халқ артисти Дилбор Исмоилованинг сахна санъатидан ҳамда дубляжда маҳоратидан баҳраманд бўлдилар.

### ТАЛАБАЛАР ҚУТЛАНДИ


Инсонга бир оғиз ширин сўз айтиб, кўнглини кўтариш, баҳоли-қудрат эътибор бериш каби саховатли ишлар, савобли амаллар халқимизга хос бўлиб, касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

шак-шубҳасиз, ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Ушбу шодиёна тадбирига бошловчилик қилаётган Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров: «Бугунги кундаги талаба-ёшларга ҳавасим келади. Илмингиз кучи билан дунёнинг исталган нуфузли олий ўқув юрларида билим олиб етуқ мухтаassis бўлиб, чиройли ҳаёт кечиришингиз мумкин. Сизнинг олдингизда улкан имкониятлар бор. Ўқинг, олтиндек вақтдан тўғри фойдаланиб, улуг мақсадингизга етинг.

Бу шубҳасиз, Мустақилликнинг улуг шарофатидир. Афсус-

тик актёрлар қўлайди, дастури бўйича театр санъаткорлари ижросидаги қўшиқларни завқ-шақ билан тингладилар. «Азиз талабаларнинг мамнун чехрасини кўриб, юракдан айтилган миннатдорчилигидан беҳад таъсирланиб, кўзларимда севинч ёшлари қалқиди. Чарқоқдан фориғ бўлиб, меҳнатимиз самарали бўлганидан қонвондим ва савобли ишларни ҳамisha амалга ошириш учун куч-ғайратимни асло аямаялман», — дейди тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кўмитасининг раиси Тоибхон Акрамова.

Улугбек ПУЛАТОВ



Ўзбекистон Миллий университети талабаларининг даволашилари ва дам олишлари учун мана шундай шарт-шароитлар яратилган.

### МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. Айниқса, бозор муносабатлари шароитида бу масала катта аҳамиятга эгадир. «Қурилиш технологиялари» савдо-саноат корхонасида 59 киши меҳнат қилади. Ўртача иш ҳақи 35 минг 220 сўмни ташкил этиб, ойлик маош ўз вақтида берилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя муҳим юридик ҳужжат — жамоа шартномасида кўзда тутилган қатор тадбирлар, белгиланган имтиёзлар асосида амалга оширилмоқда. Ишловчи пенсионерларга қўшимча иш ҳақини тўлаш, ишчи-хизматчилар меҳнат таътилига кетаётганда соғлигини тиклаши учун уларга ойлик маош миқдорига моддий ёрдам кўрсатиш, аёлларга санаторийларга, корхона меҳнат аҳлининг фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўланмаларини бепул бериш, ходимларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш шулар жумласидандир. Меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос хайрли одат бўлиб, корхонада бундай савобли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Корхона томонидан мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларига ва қарияларга бир миллион уч юз минг сўмдан зиёд хайрия ёрдами берилди.

Меҳнаткашларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг диққат марказида бўлиб, ҳар йили меҳнат муҳофазаси бўйича келишувлар тузилмоқда ва маҳсус иш кийим-кечак-

лари, ювиш воситалари учун жорий йилга режалаштирилган уч юз минг сўмдан ортқ маблағ ажратилмоқда. Ишчиларга сут берилмоқда. Улар маҳсус кийим-кечак, пойабзал каби яқка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланган, корхонада санитария-маиший хоналари ҳам мавжуд. Лекин ишчиларга маҳсус озиқ-овқат бериш кўзда тутилмаган.

Корхонада ўринлар сони қисқартирилмаган. Иш унумдорлигини янада ошириш, моддий манфаатдорликни кучайтириш корхона фаолиятининг ривожига ҳисса қўшиб, ишчи-хизматчиларни бозор муносабатлари шароитида ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Одил ҲОЛИҚОВ, Кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси Миробод тумани кенгашининг ходими.**

## Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИҚИЙ  
ДОМО БЎЛУҒ...

**ХИКОЯТ:** Бир кун дароҳт билан унинг сояси борасида баҳс пайдо бўлди. Дароҳт сояга деди:

— Эй қора юзли соя, жигар-бағри садпора, сен менинг борлигим учун борсан, мен туфайли барҳаётсан. Демак шундай экан, манманлик қилишинг ва керилишинг нимаси?

Соя деди:

— Эй лақма, бемаъни сўзларни айтишдан бир дам тийил, хушингни йиғ ва менадан юз ўгира кўрма, ҳовликиб бўйнингни чўзмагинки, уни узиб олмасинлар. Мен доим ҳокисор бўлиб, ерга ястанганим учун кун тигидан одамларни озод қилиб, роҳат бағишлаганим учун обрўйим баланд. Катта ҳам, кичик ҳам менинг инсонларварлигимдан баҳраманд бўлади. Беқарорлигиндан гоҳ яланғоч бўли олсанг, гоҳ яшил либос билан ўзингни безайсан.

Дароҳт соянинг гапларини эшитиб, унга шундай жавоб берди:

— Эй соя, ҳақдингни ошма, паст ҳиммат кишилар каби лоф-қоф урма. Эшитмаганмисан, кўршапалак офтоб билан ўчакишса, ўзини ҳалок қилади, шиа тош билан тўқнашса, ўзини синдиради.

Уларнинг баҳсини эшитиб турган булбул сояга хитоб қилиб деди:

— Эй соя, эй туз ҳақини билмаган ношукр, бу бемаъни сўзларни кўнглинг ойнасидан юлиб ташла, кимки ўз пойига теша урса, ўзи қулайди, сенинг ҳаётинг дароҳтга боғлиқ.

● Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити — мискин фақирларни севишдир.

● Кураш тушиб йиқитган эмас, балки газоби келганда ўзини боғиб олган одам кучлидир.

● Бойлик молу дунёнинг кўплиги билан эмас, балки нафсинг тўқлиги билан.

● Кимки қилмишига пушаймон бўлиб, узр сўраган одамни кечириб юборса, унинг хатоларини ҳам тангри қиёмат кунини кечирур.

● Гийбат — юракнинг бедаво касали. У қалбимизни яралайдиган мудҳиш оғдур.

● Кишилар ҳаловатига гийбатчилик зарар келтирадиган бошқа иллат йўқдир, зеро бу касалга учраганлар нафақат ўзларини қийнашади, балки ўзгалар қувончига ҳам раҳна соладилар.

Байт:

**Биродар, ҳар кимки айласа гийбат, Лойкидир ундайга дейилса лаънат. Бундайларнинг жойи жаҳаннам бўлур, Гийбатчи билсанг бу ҳам кам бўлур.**

## Қиш — синов даври

## АҲОЛИ КЎМАГИГА ТАЯНИБ

Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунига кўра пойтахтимизда жуда кўп ширкатлар ташкил этилиб, ҳозирги кунда улар ўзларининг ижодий тажрибаларига эга бўлиб бормоқдалар. Улардан бири Юнусобод туманидаги «Умид иқтисод» уй-жой мулкдорлари ширкатидир.

Мазкур ширкатнинг ташкил топганига икки йил бўлганлигига қарамай, бугунги кунга келиб тасарруфларидаги хонадонларга намунали хизмат кўрсатишининг энг мақбул йўллари топиш мақсадида изланган ҳолда бу борада талайгина ибратли ишларни амалга оширишга ҳам улгурдилар. Жумладан, ҳозирда аҳолини ўзининг ва жамоат мулкнинг эҳтиёткорлик билан асраб-авайлашга, ўзларига тегишли хонадонларни саранжом, тартибли сақлаш кўникмаларига ўргатиш борасида режали савий-ҳаракатлар қилинмоқда.

— Ширкатимиз тасарруфидан 28 та кўп қаватли уйлар бўлиб, улардан 7 таси 9 қаватли, қолганлари эса 4-5 қаватли уйлардан иборат, — дейди ширкат раҳбари Қудрат ака Ғоипов. — Аҳолига намунали хизматни ташкил этиш учун ёлғиз раҳбарнинг удабурон, ишчанлиги камлик қилади. Режадаги ишларни кўнгилдагидай амалга ошириш учун малакали усталар, ўз ишининг фидойилари керак. Ширкат ходимлари, ишчиларимиз айнан гайрат-шижоатли, ўз вазифасига ўта масъулият билан ёндошувчи, энг асосийси уларнинг ҳаммаси тартиб-интизомли инсонлардир.

Истиқомат қилувчилардан ташадиган кундалик буюртмалар ширкатнинг хушмуомала, тезкор диспетчеридан бошланиб, тажрибали ишчилар: чилангар сантехник, пайвандчи, чилангарлар сифатли қилиб бажарган ишлари билан ниҳояланади. Барча юмушлар пухта ва ўз вақтида бажарилсагина аҳолининг ширкатга ишончи ортади.

Мана бугундан ўлкаимизда қиш фасли бошланди. Шаҳар ҳўжалиги учун масъулиятли палла, синов даври ҳисоблан-

ган кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ширкатда иситиш мавсуми тугалланмасдан бошлаб юборилган. Хонадонлардаги иситиш тизимини ювиш



ишлари, профилактика ўтказилди, ертўладаги носозликлар бартараф этилди, томлар, йўлақлардаги эшиклар, уларнинг чоклари таъмирланди, люклар ёпиб қўйилди.

«Умид иқтисод» ширкати имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўтган—2002

йилнинг кузида бошлаган уйларни капитал таъмирлаш ишларини октябрь ойида тугаллади. 15 «А», 8-, 21-ҳамда 20-уйлар таъмирдан чиқарилди. Шулардан 20-уй тумандаги совринли уйлар сирасига киритилиб, 2-ўринга сазовор бўлди ва ширкатга хорижий телевизор совға қилинди.

Аҳолидан тушган ҳар бир буюртмани ўз вақтида, сифатли бажаришда тажрибали пайвандчи Адхам Ғуломов, сантехник, чилангарлар Муҳаммадҷон Маннопов, Шавкат Маҳамов, Сергей Воронинлар ҳамда фаррошлардан Мавлуда Қодирова, Муҳаббат Усмонова, Ирина Коплуларнинг меҳнатлари баракали бўлмоқда.

Ўртимизда, хусусан, пойтахтимизда болалар спортга эътибор кучайтирилди, шу сабабли ҳам ширкат штати рўйхатига спорт йўриқчиси киритилган. Мазкур ширкат худудида ҳаммаси бўлиб 11 та болалар майдончалари ҳамда 1 та катта спорт майдони бўлиб, бундан ташқари бу ердаги сузиш ҳавзаси ҳам болаларнинг ихтиёрида. Спорт майдончасидаги ишлар ширкат ишчилари томонидан амалга оширилган.

Ширкатда ўзига яраша муаммолар ҳам мавжуд, айниқса, аҳолидан фойдаланиш харажатлари учун тўловлар масаласи. Ушбу тўловлар катта қийинчиликлар эвазига тўланади. Шу боис ҳам ширкат ходимлари истиқомат қилувчилар ўртасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга эътибор қаратишган.

Дарҳақиқат, ахиллик, баҳамжиҳатлик бор жойда ишда унум, барака бўлади. Мулкдорлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлароқ англаган ҳолда ширкат ходимлари билан қатъий ҳамкорликни йўлга қўйсалар, қиш мавсумини кўнгилдагидай ўтказишларига умид билдириш мумкин.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Умид иқтисод» уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятдан лавҳалар. Ҳақимҷон Солиҳов олган суратлар**

**Маълумки, оилада кўпинча ўғил фарзанд отасига ўхшашни истагани боис унинг юриш-туришида, гапиришида, муомаласида оила бошлигининг жиҳатлари акс этган бўлади. Оиладаги жажжи қизалоқнинг кўғирчоғига қилаётган меҳрибончилигидан ҳам унинг келгусида онаси каби оқила, доно уй бекаси бўлиши кўриниб туради. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, оиладаги муносабат фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Агар ота-она маънавий юксак, жисмонан кучли бўлса болалар ҳам шунга яраша билимли ва спортга ошно бўлади-лар.**

## ДЎСТЛИК ГОЛИБ ЧИҚДИ

Айни пайтда ўқув муассасаларида, мактабларда, боғларда ўсмир ёшлар ўртасида, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 14 йиллигига бағишлаб «Отам, онам ва мен» мавзусидаги спорт мусобақаларининг ўтказилишидан ҳам юқоридаги каби яхши ният кўзланган. Номидан ҳам кўриниб турибдики бу мусобақада спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётган оилалар иштирок этишади.

Яқинда ана шундай оилавий спорт мусобақаларидан бири шаҳар ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббускорлигида Чилонзор туманидаги Тошкент педагогика коллежида ўтказилди. Ушбу мусобақаларда коллежнинг ибратли ўқитувчилари Василий Налевайка, Бо-

бур Ибрагимов, Аслидин Ражаббоев ҳамда Сирожиддин Очиловларнинг оилалари иштирок этишиб, ўзларининг чаққонлик ва эпчилликларини намойиш этдилар. Ота-она ва фарзандларнинг иноқликлари ва ҳамжиҳатликлари ҳам мана шу мусобақаларда яққол аксини топди, десак хато қилмаймиз. Чунки голибликни қўлга киритишда албатта бир-дამлик қўл келиши табиий.

— Мусобақада иштирок этаётган оилалар бошлиқларининг барчаларидан бири шаҳар ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими бошқармаси педагоглар ҳисобланади. Педагоглар келажак авлод тарбиячилари, улар қанчалик маънавий етуқ, жисмонан баркамол бўлсалар, ёшларимиз тарбияси ҳам шунчалик яхшиланади, — дейди коллеж директори Озода Эшонхўжаева.

— Мақсадимиз, Болалар ҳуқуқлари Конвенциясидан келиб чиққан ҳолда ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда уларнинг яшаш, соғлом бўлишларини таъминлашдир. Шунингдек, нафақат коллежimiz жамоасини, балки бутун юртимиз оилаларини спортга ошно этиш ва уларни мунтазам равишда жисмоний тарбияга эътиборларини кучайтиришдир.

Тадбир якунида ҳакамлар ҳар бир оила тўплаган балларини ҳисоблашганда кўриндики, ота, она, фарзандларнинг ҳеч бири чаққонликни қўлдан бой беришмай бирдек голиб бўлишди. Шу ўринда хулоса қиладиган бўлсак, ушбу оилавий мусобақаларда дўстлик голиб чиқди.

**Орзуғул РУСТАМОВА**

## Мағриблар

ЯПОН БОҒИДА  
МИЛЛИЙ  
БАЙРАМ

Тошкентдаги Япон боғи кишилар билан янада гавжум бўлди. Улар биринчи қиров тушиши муносабати билан нишонлайдиган бундай сайилда шоду хуррамлик, ўйин-кулги авжга миғади. Худди шундай кўтаринки кайфиятда ўтган анъанавий байрам Япония боғига алоҳида файз киритди.

Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театри ҳузурда фаолият кўрсатаётган нафис рақс студияси томонидан кўрсатилган саҳна чиқишлари томошабинларга манзур бўлди.

**Ақбар АЛИЕВ**

**Биласизми?****АПЕЛЬСИН — ЯРАЛАРНИ ТЕЗ ТУЗАТАДИ**

Апельсин пўстлоғи таркибида инсон танаси клеткаларини янгилашга таъсир қилувчи, асабларни тинчлантирувчи ва яралар битишини тезлаштирувчи хусусиятга эга моддалар бор. Булардан ташқари унинг шарбатидан юз ва тана терисини яхшилашда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун икки дона апельсин ва озроқ мева сиркаси олинади. Апельсинлар пўсти арчиблиб, шиша стаканга солинади. Устидан кўмилиб турганча мева сиркаси қуйилиб, илқ жойда икки ҳафта сақланади. Сўнг шарбати донадан ўтказиб олинади. Фойдаланишдан олдин албатта қайнатилиб совутилган сув қўшиб кейин юз терисига суртилади. Сув қўшмасдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

**АНАНАС — СЕПКИЛЛАРНИ РАНГСИЗЛАНТИРАДИ**

Баъзида сепкиллари бутунлай йўқотиб юборишнинг иложи бўлмайди. Лекин озми-кўпми уларни рангсизлантириш ва улардан қутулиш мумкин. Ана шундай рангсизлантиришда ананас ёрдам беради. Ҳафтасига ҳеч бўлмаганда икки марта ананасдан фойдалансангиз бўлади. Бунинг учун 1 ош қошиқ сиқиб олинган ананас сувига 1 ош қошиқ қатик, 1 ош қошиқ қулупнай, 1 ош қошиқ банан ва 1 чой қошиқ асал солиб яхшилаб аралаштирасиз. Тайёр махсулотни сепкиллари бор жойга суртасиз. 20 дақиқадан сўнг илқ сув билан ювиб ташлайсиз. Ананасли никобни қаймоқ қўшиб ҳам тайёрлашнинг мумкин. Бунинг учун ананаснинг юшмоқ қисми олиниб, унга қаймоқ қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва терига суртилади.

**КЎКАТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН НИКОБ**

Мавжуд бўлган барча кўкатларни: петрушка, укроп, селдер, салат ва ҳоказоларни олиб майдалаб тўғрайсиз ва озроқ зайтун мойидан, лимон сувидан қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Тайёр салатни бетингизга суртиб 20 дақиқа давомда устидан сочик билан бекитиб ўтирасиз. Сўнг илқ сувда ювиб ташлайсиз.

Компания жорий йилнинг март ойда Ўзбекистон туристик салоҳиятини Австрия жамоатчилиги орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида “Курьер”, “Ди Прессе”, “Нидеростеррайхише нахрихтен” ҳамда “Райффазенцайтунг” газеталари мухбирларининг мамлакатимизга ижодий сафарини уюштирган эди.

Сафар якунлари бўйича тайёрланган ахборотлар “Райффайзен Райзен” каталогига киритилиб, Буюк Ипак йўли дурдоналари бўйлаб янги сайёҳлик йўналиши жорий қилинди. Йил давомида Австриянинг турли оммавий ахборот воситаларида сайёҳлик салоҳиятимиз борасида турли мақола ва хабарлар бериб борилди.

Яқинда ушбу дастур доирасида “Нидеростеррайхише нахрихтен” ҳамда “Райффазенцайтунг” газеталарида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти хусусида навбатдаги туркум материаллар чоп этилди.

Хусусан “Нидеростеррайхише нахрихтен” газетасида “Буюк Ипак йўли бўйлаб” сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада заминимиз кўрки бўлмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари хусусида атрофлича маълумот берилган.

Унда айтилишича, ҳатто машҳур Гёте

илоҳ ийлаштирган ушбу шаҳарлар сайёҳларга “Минг бир кеча”да тасвирланган Шарқ оламининг сирли ва жозибали тароватидан баҳраманд бўлиш имкони

**ШАРҚ РУМИ**

Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ўзининг жозибаси, таровати, улугвор мақбараю хонақолари, масжиду мадрасалари ила донг таратган. Сўнгги йиллар мобайнида Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган ушбу азият шаҳарлар доғруғи ўз мижозларига лойиқ хизмат кўрсатиш истагида бўлган чет эл сайёҳлик компаниялари томонидан амалга оширилган тарғибот ишлари туфайли янада ортиб бормоқда. Австриянинг “Райффайзен Райзен” сайёҳлик компанияси шулар жумласидан бўлиб, мамлакатимиз туристик салоҳиятини халқро микёсда ташвиқ этиш борасида қатор лойиҳаларнинг ташаббускори бўлди.

ни беради.

— Ўзбек халқининг ўзига хос меъморчилиги, миллий ҳунармандчилик намуналари, урф-одатлари ва анъаналари қадим ўтмиш руҳини қайта уйғотади. Са-

марқанддаги Регистон мажмуаси, Гўри Амир мақбараси, фалакшунос олим Мирзо Улуғбек расадхонаси, Бухородаги Самонийлар мақбараси, Хиванинг Ичан қалъа ёдгорликлари ўз салобати ҳамда бетакрор жиллолари туфайли дунё мўъжизалари қаторидан жой олишга ҳақлидир, — дея қайд этилади.

Айниқса муаллифлар кўҳна Самарқанд шаҳрини алоҳида қамолоти эҳтиром ила тилга олганлар. “Райффазенцайтунг” газетасида чоп этилган “Ипак йўли сеҳри” мақоласида бетакрор тарихий меъморчилиги билан бир қаторда шеърят, илм-фан ҳамда маданият ўчоғи сифатида донг таратган Самарқанд шаҳри Шарқ Руми сифатида эътироф этилган.

Газеталарда юртимиз туристик салоҳияти намойиш этилар экан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ҳукуматимизнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари Буюк Ипак йўли бўйлаб қилинаётган сафарларнинг сермазмун ва мароқли бўлишига мустаҳкам асос яратиши таъкидланади.

«Жаҳон» АА



*Бўқун — Халқаро ОИТСга қарши кураш кўни*

**ЭЗГУ НИЯТЛАРНИ КЎЗЛАБ**

Авиасозлар маданият саройида Ҳамза туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» жағармаси, Қизил Ярим Ой жамиятининг Ҳамза туман бўлимлари ҳамкорлигида Халқаро ОИТСга қарши кураш кўни муносабати билан «ОИВ/ОИТС тўғрисида ҳақиқат, уни бошқаларга ҳам етказ» деб номланган тадбир ўтказилди.

Ёшлар бизнинг келажакимиз. Уларнинг соғлом, бақувват ва юксак салоҳиятли бўлиб тарбияланишлари учун кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан Авиасозлар маданият саройида ўтказилган ушбу кўрик-танловнинг асл мақсади ҳам ёшлар ўртасида ахлоқий-ҳуқуқий ишларни тарғиб қилиш, гиванд моддаларни истеъмол қилувчиларни тўғри йўлга бошлаш ҳамда уларни мустақил юрти учун муносиб шахс бўлишларига кўмаклашишдан иборат бўлди.

Кўрик-танловда мазкур туманда жойлашган барча таълим муассасалари ўқувчилари иштирок этиб, мавзуга доир саҳна кўринишларини, плакатлар кўргазмасини намойиш этидилар. Плакатларда ўқувчилар она табиятни муҳофаз

этиш, уни асраб-авайлаш каби мавзуларни тасвирлашди. XXI аср вабоси ҳисобланмиш ОИТС касаллигининг аҳоли ўртасида сурункали тарқалиб бораётганлиги барчамизга маълум. Даволашдан кўра унинг олдини олиш афзал деганларидек, танловда ўқувчилар саҳна кўринишлари орқали ёшларни ушбу касалликдан нарироқ юришларига чақирдилар. Унинг зарарли оқибатларини намойиш этишга ҳаракат қилдилар.

Энг яхши расм ва саҳна кўриниши каби шартлар бўйича мактаб ва коллежлар орасида биринчи ўринни 161-мактаб ҳамда Қурилиш коллежи эгаллади. 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини қошидаги академик лицей эса кейинги ўрин соҳиб бўлди.

— Ёшларимиз мазкур

тадбирда ОИТС ҳақида оз фурсатда бўлса ҳам кўп маълумот беришга, касалландларга тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилдилар, — дейди «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза тумани бўлими раиси Ильмира Турсунова. — Ушбу кўрик-танловнинг бошқалардан фарқи томони кўп. Чунки, бугунги тадбиримизда келажакимиз ворислари ҳисобланмиш ёшларнинг 1300 га яқини иштирок этмоқда. Шу боис, «ОИТС тўғрисида ҳақиқат, уни бошқаларга ҳам етказ» деб номланган тадбиримиз хайрли ишларни ва эзгу ниятларни кўзлаб ўтказилди.

Шунингдек, «Замондош» маданият уйи қошидаги «Камалак» раққослар гуруҳи томошалари тадбирга файз ва тароват бағишлади.

Юлдуз УСМОН

**Маъбирлар  
ШАҲРИМИЗГА  
ОРАСТАЛИК  
ЯРАШАДИ**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Мирзо Улуғбек туман бўлими, шунингдек «Орият FM» радиостанцияси томонидан «Севимли шаҳрим» акцияси доирасида шаҳримиз кўчаларида ободонлаштириш ишлари ўтказилди.

Туманда жойлашган «Навбахор» маҳалласининг кўчаларини озода ва саранжом ҳолатга келтириш учун ҳазонлар, ариқларни тозалаш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Бундай хайрли ишда 210-мактаб ўқувчилари жонбозлик кўрсатдилар. Энг кўп меҳнат қилиб, шаҳримиз ободонлигига ҳисса қўшган ўқувчилар радиода эфирга чиқишга муяссар бўлдилар.

— Эндиликда бу каби хайрли тадбирларни кўпроқ ўтказишни режалаштирмоқдамиз. — Зеро, юртимиз фаровонлиги йўлида ўтказилган «Озода шаҳар» тадбиримиз кўчаларнинг озода ва кўркам бўлишига ўз ҳиссасини қўшади деб ўйлаймиз, — деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Шўҳрат Қўчқоров.

Қундуз РИЗАЕВА

**СПОРТ**

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА ОМАД КЕЛТИРДИ**

Шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасининг сузми ҳавзасида синхрон сузми бўйича икки кун давом этган «Сув париси» мусобақалари юртимиз спортчиларига омад келтирди.

Туртинчи марта ташкил этилган ушбу мусобақаларда ўзбекистонликлар билан бирга Хитой, Россия, Қозоғистон спортчилари ҳам голиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Мусобақаларнинг биринчи кунни россиялик спортчилар ўзларининг чиройли ҳаракатлари билан барчадан ажралоқ туриши ва кўп очко жамғаришга муваффақ бўлишди. Хитойлик ва ўзбекистонлик спортчиларнинг чиқишлари ҳам шу кунни ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Аммо синхрон сузмининг жамоавий ва мукамаллаштирилган баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси барча рақибларидан маҳоратли эканлигини исботлаб, биринчи ўринни эгаллади. Турнир якунида голибларга совринлар, эсдалик совгалари топширилди.

**ЁШ КАРАТЭЧИЛАР — ТАТАМИДА**

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Тальат Ниғматуллин хотирига бағишланган турнир бўлиб ўтди.

Болалар ва ўсмирлар орасида каратэга бўлган қизиқишни янада кучайтириш, ушбу спорт турини оммавийлаштириш, фарзандларимизнинг бўш вақтлари сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида уюштирилган ушбу турнирда Тошкент шаҳри ва вилояти ёш спортчиларидан ташқари Самарқанд, Бухоро, Андижон вилоятларидан келган 600 нафар каратэчи голиблик учун кураш олиб борди. Қизиқарли, мурасасиз кечган баҳслар якунида голиб ва совриндор бўлган 90 нафар болалар муносиб тақдирланди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



**МАҲАЛЛАДА КУТУБХОНА**

Мамлакатимизда зиё маскани бўлмиш кутубхоналарга аъзо бўлиб, ўз маънавиятини ошириб келаётган ёшу кексалар кўплаб учрайди. Айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтиришда кутубхоналарнинг ўрни бекиёсдир.

Маълумки, Обод маҳалла йилига бағишлаб шаҳримиз маҳаллаларида кутубхоналарнинг барпо этилаётгани кувончли воқеа бўлмоқда. Жумладан, яқинда Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласи гузаридида ҳам янги кутубхона ўз фаолиятини бошлади. Бундай ташаббусни Яқсарой туманидаги «Конституция» маҳалласида Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон бошлаб берган эди. Ушбу кутубхонанинг очилиш маросимида сўзга чиққан таниқли адиб ва шоирлар, маҳалла фаоллари келгусида яна бошқа маҳаллаларда ҳам ана шундай кутубхоналар барпо қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтишган эди. Хайрли ташаббуснинг қаноти бўлади, деганларидек, орадан кўп вақт ўтмай «Шодлик» маҳалласида ҳам кутубхона очиш режалаштирилди.

— Устозлар ишини давом эттириш шогирдларнинг бурчидир, — дейди Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Назира Жўраева. — Устозим Рамз Бобожон ташаббусларидан руҳланган ҳолда мен ҳам Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалла гузаридида кутубхона очишга аҳд қилдим ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги нашриётлар директорлари билан суҳбатлашиб, мақсадимни айтганимда, улар ҳам бу ишни бажонидил қўллаб-қувватлашди. Мазкур кутубхонага «Меҳнат», «Ўзбекистон», «Чўлпон» ва Фафур Фулом номидаги нашриётларда чоп этилган Истиклолни тараннум этувчи китоблар тақдим қилинди. Мен ҳам ўз уйимдаги шахсий кутубхонамдан таниқли шоир ва адибларнинг

бир қанча китобларини кутубхонага совға қилдим. Кўпчилигимиз қанчадан қанча нодир китобларни ўқиганимиз, сабоқ олганимиз, энди уларни уйимизда сақлашдан не фойда, улардан бошқалар ҳам фойдаланса, маънавиятини бойитса, билимини оширса, кўнгилдаги иш бўларди албатта.

Ушбу кутубхонанинг очилиш маросимида ёзувчи ва шоирлар, газета ва журналларнинг ходимлари, маҳалла фаоллари, 271-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар. Маросимда қатнашган шоир ва ёзувчилар ҳам мазкур кутубхонага ўз китобларини тақдим қилишди. Йиғилишда сўзга чиққанлар маҳаллада яши бир нурхона, зиёгона очилганидан мамнун эканликларини ва бу ишни бошқа маҳаллаларда ҳам давом эттириш кераклигини таъкидлашди.

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: «Шодлик» маҳалласида очилган кутубхона фаолиятдан лавҳалар.

**Ўқибон**

**ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ**

Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақалари бошланди. Тантанали очилиш маросимидан сўнг жаҳон чемпионатининг дастлабки учрашувини БАА—Словакия терма жамоалари бошлаб беришди. Шуниси ажабланарлики, кўпчилик мутахассисларнинг фикрича ушбу учрашувда ғалаба қозониши лозим бўлган майдон эгаларидан омад юз ўғирди. Аксинча мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриб, сермазмун ўйин намойиш этган словакиялик ёш чарм тўп усталари маҳорат бобидида мезбонлардан яққол устунлик қилишди. Ушбу беллашувни бевосита кузатган мухлислар бешта голнинг гувоҳига айланмишди. Меҳмонлардан 1:4 ҳисобида енгилган араблар муҳим уч очкодан маҳрум бўлишди.

Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари «В» гуруҳида Мали, Аргентина ва Испания терма жамоаларига қарши тўп суришлари ҳаммага маълум. Дастлабки учрашувни вакилларимиз Мали терма жамоасига қарши ўтказишди. Тан олиш

керак, ҳар икки терма жамоа майдонга фақат ғалаба қозониши учунгина тушганликлари ўйин давомида сезилиб турди. Учрашув якунланишига санокли дақиқалар қолганида ҳам 2:2 ҳисобининг қайд этилгани фикримизни исботлайди. Аммо, Мали терма жамоасининг сўнгги дақиқалардаги ҳужумини қайтаришда ҳимоячиларимиз томонидан йўл кўйилган хато кимматга тушди. Ўз дарвозаларидан учинчи тўпни ўтказиб юборган ҳамюртларимиз ҳам муҳим очколарни бой беришди. Дарвоқе жаҳон чемпионатида ўзбекистонликлар томонидан дастлабки тўпларни Иномов ва Гейнрихлар йўллашди.

Ушбу гуруҳдаги Аргентина—Испания терма жамоалари учрашуви 2:1 ҳисобида Марадона ватандошларининг ғалабаси билан якунланди.

БУГУН Жаҳон чемпионати гуруҳ баҳсларининг иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон терма жамоаси ёшлари аргентиналик тенгдошларига қарши майдонга тушади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

**Биз билмиш билмаган дунё**

**ПИЛЛА ҚУРТИ — ЎТА СЕЗГИР**

Доим тут баргидан борт кўтармай, пилла тўқиш билан банд бўлган меҳнатсевар қуртларда атрофдаги магнит майдонини сезиш қобилияти бор экан.

**ҚАРОҚЧИ ЛОЧИН**

Саудия Арабистонининг пойтахтида бир киши қиммат нарҳда лочин сотмоқчи бўлган. Қимматбаҳо кушни сотиб олишга ҳеч ким журъат этолмади. Ахири бир киши юрак ютиб чўнтагидан пул чиқарди. Эгаси билан ҳисоб-китоб қилаётганида, лочин тушмагур пулни тумшугига олиб уча қочди. Бўлиб ўтган ҳодиса тасодифми ё куш эгасининг махсус найрангимми, буни ҳозир ҳеч ким билмайди.

**ПОЧТАЧИ КЕРАКМИ?**

Бирманин Чану шаҳрида ҳар чоршанба ва жума кунлари буқа почтачи вазифини ўтайди. Икки соат ўтар-ўтмас буқа бутун Чану аҳлини газета, журналлар билан таъминлаб чиқади. Касбига содиқ хизматчи ҳатто челақлаб ёмғир қуйиб турса ҳам почтачилик хизматини ташлаб кетмайди.

**ҚАЙИҚСИЗ ДЕНГИЗЧИЛАР**

Қиш бўлишига қарамай кўл музламаган эди. Шишадек тиник, мовий кўлда ўрдақчалар сузиб юришарди. Қирғоқда турган қайиққа сув тўлиб қолганди. Сувни тўкиб ташлашда ишлатиладиган ёғоч идишни эса излаб тополмадик. Бир пайт, қарасак, ёғоч идишани ўрдақчалар ишғол этишибди. Миттивойлар сувда сузавериб, чарчаб қолишган шекилли, идишга ўз уйларидек жойлашиб олиб, кўёш нурида мудраб ётишибди. Ўрдақ овозидан уйғониб кетган ўрдақчалар зумда ўзларини қамишлар орасига уришди. Хавфни сезган ғоз ва оққуш полапонлари ҳам уяни ташлаб оилаларига эргашибди. Полапонлар нимжон эмасми, дам ўтмай толиқиб қолишди. Хавзада эса ёғоч идишдан бўлак ҳордиқ «маскани» йўқ. Шунда полапонлар бирин-кетин оналари елкасидан жой олишди. Жажжиларини миндириб олган ғамхўр она бемалол сувда сузар ва озиқланиб олишни ҳам унутмасди. Бордию ғоз елкасига бегона куш миниб олса, шўрликнинг ҳолдан тойганини «тушуниб» индамай қўя қолади.

Олимлар Гибралтар бўғозидида ғоз елкасида ўтирган бегона қушларни кўп бор кузатишган. Беданадан тортиб, миттигина қушча — қолибригача ҳаммаси урдақ манзилларга ғоз устида дам олиб етиб борар экан.

Жанубий Мексиканиннг ботқоқ ерларида эса антика парранда — ёввойи товукларни учратасиз. Кўлардаги йирткич балиқларнинг бу беозор паррандада хусмати борми, уясини пойлагани-пойлагани. Душманининг яқинлашганини сезган товук зумда учиб кетади. Йирткич балиқ кўраски, ин бўм-бўш. Мехрибон парранда болаларини қанотлари орасига жойлаб ўзи билан олиб кетган бўлади.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70; ўлонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3557 нускада босилди. Қозғоқ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напир кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Наширни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлималярига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.